Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 27 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 87 (13.150)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

25 апрель куни Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон – Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро алоқалар ривожига янги суръат бағишлашини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг ташкилот ишини янада фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Владимир Путин Ўзбекистон томонидан ШҲТнинг июнь ойида Тошкентда бўладиган саммити муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ташаббусларни Россия томони қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Ўзбекистон – Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутади. 2013 – 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015 – 2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Россияга транспорт воситалари, пахта толаси, трикотаж, мева-сабзавотлар, қора ва рангли металлар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қоғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 85 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 7,9 фоиз ошган.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 6 миллиард доллардан ошган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан 40 фоиз ўсган.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёнилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг "Лукойл" ва "Газпром" нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Шу йил 19 апрель куни Бухоро вилоятида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан "Лукойл" компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидоргир. "Матиз", "Нексия" каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили деб топилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мамлакатда янги бренд остидаги "Ravon Gentra" савдоси 7 фоиз ўсган.

Россияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон бу соҳада улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифи якунига етди. Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган ушбу музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатларига хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент – Москва – Тошкент

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилояти Марҳамат туманида "Юртим менинг – фахрим менинг" шиори остида илмий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● Навоийда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Тасвирий ва амалий санъат фестивали ўтказилди. Тадбир доирасида ёш ижодкорлар учун маҳорат дарслари ташкил этилди. Таниқли рассом ва ҳайкалтарошлар, дизайнерлар билан учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

● Сирдарё вилояти Оқолтин туманида ёш оилалар учун барпо этилган "Камолот" уйи фойдаланишга топширилди.

● Гулистонда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Наманганда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида ташкил этилган тарғибот тадбирлари доирасида талаба-ёшлар билан мустақилликнинг моҳияти ва аҳамияти, истиқлол йилларида халқимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳақида мулоқотлар ўтказилди.

● Бухорода "Оила саодати – мустақиллик самараси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ибратли хонадонлар тажрибасини оммалаштириш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун янада қулай шароитлар яратишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган танловда унинг ҳудудлараро босқичи ғолиблари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Ver.di касаба уюшмаси томонидан Германиянинг Франкфурт, Мюнхен, Дюссельдорф ва Кёльн аэропортларида авиация соҳаси ходимларининг иш ташлашлари ташкил этилди.

● "Восточний" космодромидан "Союз-2.1а" элтувчи ракетасининг парвози техник сабабларга кўра кейинги кунга кўчирилди.

● АҚШнинг "Apple" компанияси "iPhone" телефонлари ва "iPad" планшетларини қайта ишлаш эвазига қиймати қарийб 40 миллион долларни ташкил этувчи 999,7 килограмм олтин олишга эришди. Гап шундаки, компания смартфонларидаги деталларда ўртача 30 миллиграмм тилла мавжуд бўлиб, бундай нодир металлдан уларнинг бир текис ишлашини таъминлаш ва чиришининг олдини олиш мақсадида фойдаланилади.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Фуқаролар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг бўлиб ўтадиган мажлиси ҳақида" мавзуида экспресс-сўров ўтказди.

ШҲТ ФАОЛИЯТИ – ЖАМОАТЧИЛИК НИГОҲИДА

Сўровни ўтказишдан мақсад Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти, Ўзбекистонда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 15-юбилей мажлисига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида мамлакатимиз аҳолисининг фикрини ўрганишдир.

Сўров натижалари шундан далолат бередики, фуқароларнинг аксарияти Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нафақат ШҲТга аъзо давлатлар, балки бутун дунёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, тинчликни сақлаш, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган самарали фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон аҳолиси ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей саммити айнан мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётгани билан фахрланади.

Фуқаролар Президентимиз Ислом Каримовга минтақавий ҳамкорликнинг кўплаб соҳаларида ШҲТ фаолиятини янада фаоллаштиришга доир самарали тадбирлар ўтказилаётгани учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқда. Сўров қатнашчилари мазкур учрашувда қабул қилинадиган қарорлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муҳим воқеа бўлишига ишонади.

Экспресс-сўров натижаларига кўра, фуқароларимизнинг кўпчилиги (92,1 фоизи) ШҲТни энг нуфузли халқаро ташкилотлардан, деб ҳисоблайди. Ушбу халқаро тузилма терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, қуроляроғ ва наркотикларнинг ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Фуқароларнинг таъкидлашича, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини тартибга соладиган мустаҳкам ҳуқуқий база ишлаб чиқилган. Сўров натижалари шундан далолат бередики, мамлакатимиз аҳолиси Президентимиз томонидан ШҲТ фаолиятининг барча йўналишлари бўйича илгари сурилган ташаббусларни юксак баҳолайди. Жумладан, Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ҳар йили ўтказиб келинаётган учрашувлари ташаббускори бўлди.

Сўров иштирокчиларининг фикрича, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, атроф-муҳит муҳофазаси ва маданий-гуманитар соҳа ШҲТ фаолиятининг муҳим йўналишларидандир.

Тадқиқот давомида жамоатчиликда ШҲТ минтақавий хавфсизлик, сиёсий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш, ташкилотга аъзо барча давлатлар учун ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида амалий механизмга айлангани ҳақида фикр қарор топгани ва унинг аҳамияти янада ортиши аниқланди.

Иштирокчиларнинг фикрича, бўлиб ўтадиган саммит йилнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири бўлади. Фуқароларимиз пойтахтимизда ШҲТ юбилей саммити арафасида амалга оширилаётган ўзгаришларга нисбатан ижобий фикр билдирмоқда. "Тошкентнинг ташқи қиёфасида рўй бераётган ўзгаришлар сизга ёқадими?" деган саволга сўров қатнашчиларининг қарийб 81,5 фоизи ижобий жавоб берди. Уларнинг фикрича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарларининг учрашувига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда ва улар пойтахтимиз қиёфаси кун сайин ўзгариб бораётганидан мамнун.

Экспресс-сўров қатнашчилари "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси юксак савияда ташкил этилаётгани" меҳмонларда катта таассурот қолдиради, деган фикр билдирган.

Ижтимоий сўров натижалари фуқароларимиз Президентимиз раҳнамолигида ШҲТ каби нуфузли халқаро тузилма доирасида амалга оширилаётган ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ташқи сиёсий фаолиятни қўллаб-қувватлашини намойиш қилди. Юртдошларимиз ШҲТнинг Тошкентда ўтадиган 15-саммити унга аъзо давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга кўмаклашишига ишонади.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида
ЎзА мухбири
Нодира МАНЗУРОВА
тайёрлади.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланишига саноқли кунлар қолди. Маҳаллалар ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён бўлган бу тадбирга мамлакатимиз бўйлаб юқори савияда тайёргарлик кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида мазкур комиссия аъзоси **Абдураҳмон БОБОЕВ ЎзА мухбирига** қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тузилманинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Нафақат маҳалла фаолияти билан боғлиқ, балки уни бошқарадиган масъул шахсларни сайлаб қўйишнинг демократик ҳуқуқий асоси яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунида сайловга тайёргарлик кўришдан бошлаб уни ўтказишгача бўлган барча жараён тартибга солинган. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ сайлов жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтади.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ташкил этиш учун Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилган ва унинг таркиби тасдиқланган. Мазкур комиссия томонидан сайловга тайёргарлик билан боғлиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институти бутунлай янгича мазмун-моҳият касб этиб, ҳуқуқий мақомга ва ваколатларга эга бўлди.

АҲИЛЛИК — ҚУТ-БАРАКА, РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ мазкур органларнинг ваколатлари янада кенгайтирилди. Бугун маҳалла томонидан 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги вазифалар ҳал этиб келинмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Фирдавсий номидаги маҳалласи нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган масканлардан бири.

Маҳалланинг файзли, икки томонида арча ва гуллар экилган, тоза, озода кўчаларидан ўтиб, маҳалла идораси томон борар эканмиз, қўли кўксида салом бериб ўтиб кетаётган бир гуруҳ ёшларга дуч келдик. Севара исмли қиз бизни маҳалла идорасига бошлаб борди.

– Маҳалламизга меҳмон бўлсангиз керак, – деб гап бошлади Севара. – Мен ҳам маҳалла идорасига кунора келаман. Бу ерда бир нечта тўгараклар очилган. Ҳозир бешинчи синфда ўқияпман, дарсдан бўш вақтларимда дугоналарим билан шу ердаги шахмат-шашка тўгарагига қатнашамиз.

Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Азиза Зуҳурова бизни самимий кутиб олди.

– Иш тажрибамдан шунга гувоҳ бўлдимки, аҳоли билан маҳалла ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик йилдан-йилга кучайиб бораётир, – дейди ЎзА мухбирига А.Зуҳурова. – Аввалларифуқаролар маҳаллага бирор-бир маълумотнома керак бўлганида ёки айрим жанжаллар сабаб мурожаат этар эди. Бугунги кунда халқимиз ҳаётидаги ҳар бир тадбир маҳалладошлар маслаҳати, ҳамжиҳатлигида ўтмоқда.

Оилаларнинг тинчлиги маҳалла фаровонлиги, юртимизнинг ободлигига хизмат қилади. Хонадонларда учраб турадиган айрим келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида маҳаллада яраштирув комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Комиссия томонидан айрим тушунмовчиликлар бартараф этилиб, оилалар бузилишининг олди олинмоқда. Тўй ва маъракаларни тартибга солиш, ортиқча харажат ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасида амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга қатъий татбиқ этилаётир.

Фуқароларнинг мурожаатлари имкон қадар маҳалланинг ўзида ҳал қилинмоқда.

...Муайян сабабларга кўра, Гулноза билан қайнонаси ўртасида тушунмовчилик келиб чиқади. Қайнона-келин муносабатлари бироз кескинлашиб, Гулноза уч фарзанди билан ота-онасининг уйига кетади.

Оиласи бузилишини хоҳламаган келин ўйлаб-ўйлаб, Азиза опанинг олдига ёрдам сўраб келади. Азиза опа Гулноза билан обдон суҳбатлашади. Унга қандай ёрдам бериш, мушкулини осон қилиш ҳақида ўйлайди.

Азиза опа маҳалла кайвонилари билан қайнонанинг олдига боради. Вазиятни ўргангач, ёши улуғ онахонлар қайнонага маслаҳат бериб, қайнона-келин ўртасидаги тушунмовчилик ҳал этилади. Оилани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида келин чеварлик билан шуғулланиши учун имконият яратилади.

– Маълум муддатдан сўнг Гулноза яна олдимга келди, – дейди А.Зуҳурова. – Бу гал унинг кўзларида қувонч балқиб турарди. Оиласи тинчиб, қайнонаси билан тил топишиб кетгани, ўзи хоҳлаган иш билан шуғулланаётганидан жуда мамнун эди.

Бир болага етти маҳалла ота-она деганларидек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни турли иллатлардан асраш мақсадида “Оила – мактаб – маҳалла” ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Маҳалла болалари дарсдан бўш вақтида ўз қизиқиши бўйича турли спорт секциялари, тўгаракларга жалб қилинмоқда. Ёшлар орасида кийиниш одоби, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, гиёҳвандликнинг олдини олишга доир давра суҳбатлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Маҳаллада “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси фаолияти ҳам самарали йўлга қўйилган. Олиб борилган тарғибот-тушунтириш ишлари самарасида ҳудудда эрта турмуш қуриш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмаган.

Тадбиркорлар томонидан маҳалла гузарида сартарошхона, нонвойхона, ателье, ширинлик тайёрлайдиган цех, замонавий футбол майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси маҳалла аҳлининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилаётир.

Маҳалланинг пазанда аёлларидан бири Лола Акбарова оилавий бизнесини йўлга қўйиб, маҳаллада миллий таомлар ошхонасини ишга туширди. Бу ерда маҳалланинг ёш қиз ва келинлари томонидан миллий таомлар тайёрланмоқда.

Маҳаллада ёрдамга муҳтож оилалар, кексалар ҳолидан хабар олиш эзгу анъанага айланган. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан меҳнат фахрийлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган ёши улуғ кексалар ҳолидан хабар олинди. Уларга моддий ёрдам кўрсатилиб, хонадонлари таъмирлаб берилди. Бундай эзгу амаллардан Вера Цбегай, Роҳила Шайнурова сингари нуронийларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Бундай хайрли ишлар туфайли маҳалла 2015 йилда “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танловининг Тошкент шаҳар босқичида иккинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Маҳаллаларнинг юртимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни, халқимиз жипслигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси беқиёс. Шундай экан, жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида масъулиятли лавозимларга ҳар томонлама муносиб номзодларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, халқ ишончини қозонган, маҳалла манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, энг асосийси, унинг равнақи учун фидойи номзодларнинг сайланиши маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Гўзал САТТОРОВА

САЙЛОВ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги энг муҳим талаблар ҳамда мақсадли вазифалар фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришдир. Ушбу мақсадда барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланган Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасига мувофиқ маҳаллаларда аҳолининг барча қатламини қамраб олган ҳолда сайловнинг аҳамияти, бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқларини тушунтиришга қаратилган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, айниқса, сайловга оид ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Шуни инобатга олган ҳолда соҳа ходимларининг малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирларда маҳалла институти, соҳага оид қонун ҳужжатлари моҳияти, маҳалла сайловининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатларининг тарғиботи бўйича ҳам ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Шу асосда газета ва журналларда мақола ва суҳбатлар, телерадиоканалларда ток-шоу, кўрсатув ва эшиттиришлар, интернет сайтларда сайлов билан боғлиқ материаллар бериб борилмоқда. Кўмаклашувчи комиссиялар ҳузурида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичларида очиқлик ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида сайловларни ёритишга масъул бўлган ахборот хизматларининг фаолияти йўлга қўйилгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Сайлов жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллик даражаси муҳим омилдир. Бунда ошкораликни таъминлаш, энг муносиб номзодларни қўллаб-қувватлаш учун адолатли муҳитни яратиш зарур. Бу эл-юрт ғамида ёниб яшайдиган, фидойи инсонларни фуқаролар йиғини раиси этиб сайлаш имкониятини яратади.

Сайловнинг энг муҳим аҳамиятга эга жиҳати бу – фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблардир. Бундай шахс ўз ҳудудида яшайдиган фуқароларнинг дунёқарашини, тафаккурини, уларнинг орзу-истакларини яхши биладиган, шу интилишларни рўёбга чиқаришга қодир, катта ҳаётий тажрибага, кенг ва чуқур билимга эга бўлган, маҳалланинг муаммоларини чуқур таҳлил қилиб, негизига етиб борадиган инсон бўлиши лозим.

Фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчилари ҳам қонун талаблари асосида сайланиши керак. Зеро, фуқаролар йиғинлари томонидан шакллантириладиган органлар тизимида маслаҳатчилар етакчи ўринни эгаллайди.

Маслаҳатчилар тегишли фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида яшаши ва доимий рўйхатдан ўтган бўлиши шарт. Ишчи гуруҳ томонидан фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиси лавозимига номзодларни шакллантиришда алоҳида эътибор Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунининг 18-моддасида белгиланган талабнинг таъминланишига ҳам қаратилиши керак. Унга кўра, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик, қоида тариқасида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади. Маслаҳатчилар учун овоз бериш сайлов куни фуқаролар йиғини раиси сайлангандан сўнг амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, сайлов жараёнида қонун талабларига тўла риоя этиш, унинг юқори савиясида ўтишига ҳисса қўшиш нафақат шунга масъул шахсларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Чунки бу муҳим тадбирда кутилган натижага эришиш келгусида маҳаллаларимиз равнақига, пировардида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА
ёзиб олди

БАНК ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тошкент молия институтида Ўзбекистон Республикаси Халқ банки билан ҳамкорликда “Банк ички аудит хизмати: замонавий талаблар ва амалиёт” мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва барқарорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар банклар фаолиятини такомиллаштириш, банк хизматлари ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Салоҳиятли, билимли, ўз мутахассислигини яхши эгаллаган ёшлар банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириб, аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шу боис етук кадрлар тайёрлашда таълимни ишлаб чиқариш амалиёти билан бевосита боғлаб олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда банк амалиётида қўлланилаётган аудиторлик тартиб-қоидалари, халқаро талаблар асосида соҳани такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банклар фаоллигини ошириш, уларнинг ички хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёз ва қулайликларга оид маърузалар тингланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири



Ислом Исмоилов олган сурат

ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Мамлакат макроиқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбиркорлик ва кичик бизнес тармоғини янада ривожлантириш орқали халқ турмуш фаровонлигини оширишда самарали натижаларга эришганимизни вақтнинг ўзи кўрсатди. Бугунги кунда “Ўзбекистон” ёрлиқлари билан дунё бозорларида товар-маҳсулотларини сотаётган хусусий мулкдорларимиз ҳақиқий тадбиркор сифатида шаклланди десак, муболаға бўлмайди.

Юртимизда тадбиркорларимизнинг фаолиятларини эркинлаштириш, уларнинг ташаббус ва изланишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2015 йил 15 майда қабул қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон мулкдорларга янада қулайлик ва имкониятлар яратиб берди.

Шайхонтоҳур туманида айни вақтда 4.500 дан ортиқ кичик бизнес субъекти давлат рўйхатидан ўтган. Турли сабабларга кўра фаолиятини тугатаётган ёки тадбиркорлик билан шуғулланишни вақтинча тўхтатиб турган мулкдорлар билан жойларга чиқиб суҳбатлар ва тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилди. Белгиланган чора-тадбирлар асосида прокуратуранинг ташаббуси билан очиқ мулоқот ва юзма-юз учрашувлар ташкил этилиб, муаммолар ўрганилди. Маълумотларга қараганда, айрим тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини баъзан арзимаган сабаблар билан тугатган.

Бу каби ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларини фаолиятида турли муаммоларнинг юзага келишига йўл қўймаслик борасида уларга давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида мавжуд қонунчилик талабларини, унда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ тушунтириш ва профилактика ролини кучайтириш борасида зарур чора-тадбирларни белгилаб олиш хусусида туман ҳокимига ахборот юборилди. Шу асосда туман ҳокимининг 2015 йил 5 июндаги қарори қабул қилиниб, фаолият кўрсатмасдан келаётган тадбиркорлик субъектлари олдида юзага келаётган муаммоларни бартараф қилиш ва улар фаолиятини тиклаш мақсадида туман ҳокимлиги, ДСИ, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ва мутасадди идоралар раҳбарлари субъектларга бириктирилди.

Ўтказилган профилактик ва назорат тадбирлари натижасида “Момохол плюс Мубина”, “Азимбой Эшонқул саховати”, “Рўзиев Фозил омади”, “Эверест мега стар”, “Аброржон Райимов замини” каби 25 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти қайта тикланди. Натижада 72 та янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодиётимизда ўзига хос ўрин эгаллаб бораётган хусусий сектор вакилларининг эркин фаолият олиб бориши учун қонуний асослар мавжуд. Ушбу механизм ҳаётга тўғри татбиқ этилса, тадбиркорлик ва кичик бизнес бундан-да ривожланиб, дунё бозорларига чиқишимиз, давлатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришимиз, шу орқали эса халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишимиз мумкин бўлади.

Ойбек МИРТЕМИРОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурори

ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Миллий матбуот марказида Марказий банк ва “Ипак йўли” банки ҳамкорлигида чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланиш борасида белгиланган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими жорий этилган. Бунинг натижасида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида кўплаб корхоналар ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Кейинги беш йилда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Хитой тараққиёт банки, Корея экспорт-импорт банки каби етакчи халқаро молия институтларининг жами 805,7 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағлари ҳисобига кичик бизнес субъектларининг лойиҳалари молиялаштирилиб, миллий иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришлар қатъий давом эттирилди, етакчи тармоқларда муҳим объектлар ишга туширилишига эришилди. Ўтган 2015 йилда соҳа субъектлари томонидан ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий кредит линиялари ҳажми 177,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий мулкдорлар манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат улушини изчил камайтириш, акциядорлик жамиятлари устав капитали ва менежментида хорижий инвесторлар иштирокини таъминлаш орқали корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мамлакатимиз банк тизимининг халқаро мезонлар асосида ривожланиши ҳамда банк устав капиталида хорижий инвесторларнинг ролини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда акциядорлик тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар асосида такомиллаштириш бўйича ишлар давом этмоқда.

Анжуманда Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, унинг таркибий қисми бўлган банк тизимида инвестиция муҳитини янада яхшилаш масалаларига изчил эътибор қаратилаётганлиги айтиб ўтилди.

Абдували СОДИҚОВ

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида “Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик – жамият тараққиётининг муҳим омили” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати М.Қирғизбоев, университет ректори Ш.Шарипов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш борасида юритилаётган оқилона сиёсат Ватанимиз тараққиётида асосий омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш бўйича илгари сураётган ташаббуслари халқаро микёсда ҳам юксак эътироф этилмоқда.

– Биз, ёшларнинг ўз орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришимиз, буюк аждодларимизга, Ватанимизга муносиб бўлиб вояга етишимиз учун барча шароит муҳайё этилган, – дейди ЎзА мухбирига университет талабаси Малика Мажидова. – Юртимиздаги мусаффо осмоннинг, тинч, тўкин, фаровон ҳаётнинг, яратилган барча имкониятларнинг қадрига етмоғимиз фарзандлик бурчимиздир.

Тадбирда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Н.УСМОНОВА

Бектемир туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси томонидан тумандаги таълим муассасаларининг ички назоратига олинган, ички ишлар бўлимида ҳисобда турувчи ёшлар билан Тошкент вилояти ИИББ жазони ижро этиш бўлимига қарашли Зангиота тарбия колонияси ва Зангиота меъморий мажмуасида ҳамда Бектемир туман ҳокимлигида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ташкил этилди.

ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Тадбирни туман ҳокими, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси С.Махаметов кириш сўзи билан очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурига асосан ёшларимизни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялаш, улар қалбида ватанпарварлик руҳини кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш асосий масала эканлигини таъкидлади. Бектемир туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси томонидан тумандаги таълим муассасаларининг ички назоратга олинган, ички ишлар бўлимида ҳисобда турувчи ёшлар билан Тошкент вилояти ИИББ жазони ижро этиш бўлимига қарашли Зангиота тарбия колонияси ва Зангиота меъморий мажмуасида ўтказиладиган тадбирдан кўзланган мақсадга тўхталди. Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган асосий вазифаларга тўхталди. Ёшларнинг кечаси бемақсад юриши, ўртоқ, дўст танлашда эҳтиёткор бўлиши кераклигини, ота-онанинг, катталарнинг панд-насиҳатига қулоқ тутиши лозимлигини қайд этиб ўтди. Мамлакатимизда қонун устуворлиги, жазонинг муқаррарлигига эътиборни қаратди.

Энг муҳими, Тошкент вилояти ИИББ жазони ижро этиш бўлимига қарашли Зангиота тарбия колониясига ташриф буюрган ўқувчилар ҳаётнинг, ота-онанинг, устозларнинг энг асосийси, тинчлик ва озодликнинг қадрига етиш кераклигини англаб етишди.

Тадбирда туман прокуратураси, ИИБ, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

М.ТОШЕВ,
Маънавият тарғибот маркази
Бектемир тумани бўлими раҳбари



Юртимизда кадрлар тайёрлаш масаласига таълим сифати ва меҳнат бозорини чуқур ўрганиш асосида ёндашилаётгани катта самаралар бераётир. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, уларнинг мутахассисларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилган. Бундай ёндашув натижасини Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Оқил Ғуломов олган сурат

ХИТОЙ ТИЛИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Хитой тили кўприги" танлови ўтказилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда университет ректори Ш.Қаюмов, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С.Лицзе ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик муносабатлар икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида фан ва таълим йўналишида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртларида хитой тилидан сабоқ берилади. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институтининг ташкил этилгани, Хитой миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими фаолият юритаётгани, Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилгани бу борадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан ҳамда Ўзбекистонда хитой тили ва адабиётига, Хитойда эса ўзбек тили, маданияти, урф-одатларига нисбатан қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Икки мамлакат ўртасида талабалар, ўқитувчи ва мутахассислар алмашинуви мунтазамлик касб этган.

Тошкентдаги Конфуций институти ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Хитой тили кўприги" танловида қатор олий ўқув юртларидан саралаб олинган 8 талаба иштирок этди. Улар хитой тилида викторина, эркин мавзуда нотиқлик санъати ҳамда ифодали ўқиш ва ижодий чиқиш бўйича ўзаро баҳслашди.

Ушбу танлов ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларида хитой тили ва маданиятини кенг тарғиб этиш мақсадида мазкур тилни ўрганаётган талабалар ўртасида ўтказилади. Якуний босқич Хитойда бўлиб ўтади.

Танловда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 3-курс талабаси Муштарий Яшнарбекова бош совриндан соҳиби бўлди ва беллашувнинг Хитойда ўтказиладиган якуний босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди. Биринчи ўринга Тошкент давлат шарқшунослик институти 2-курс талабаси Адолат Наврўзова сазовор бўлди.

Бу каби тадбирлар мамлакатимиз ёшларининг хорижий тилларни пухта ўзлаштиришга қизиқишининг ошишига ва Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

СОҒЛОМ ТУРМУШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника, Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти, 9-оилавий поликлиника ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда "Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови" мавзусида тадбир ўтказилди.

Айтиш ўринлики, жисмоний тарбия институтида доимий равишда талабалар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида тиббий кўриклар ташкил этилиб, ҳар бир талаба умумий амалиёт шифокорлари назорати остида тор мутахассислар кўригидан ўтказиб борилади.

— Соғлом турмуш тарзи турли хил касалликларнинг олдини олишнинг муҳим шартидир, — дейди Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти шифокори Шаҳноза Сиддиқова. — Соғлом одам кунига 4 маҳал овқатланиши зарур. Кечки овқатни ухлашдан 2 соат олдин тановул қилиш мақсадга мувофиқ. Истеъмол қилаётган овқатимиз бир кунда сарфланадиган энергияни қоплаши керак. Бунинг учун овқат таркибида оқсил, витамин, углевод ва минераллар бўлиши керак. Шуни ёдда тутиш лозимки, овқат вақтида чой ичиш ярамайди. Чунки, чойнинг таркибида танин моддаси бўлиб, у озиқ-овқат маҳсулотлари билан организмга кирган темир ва бошқа элементларнинг сўрилишига тўсқинлик қилади. Яхшиси, овқат пайтида қайнаган сув ёки шарбат ичган маъқул. Чойни эса овқатдан 2 соат кейин ичиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбир спортчи талабаларнинг тиббий маданиятини оширишни ўз олдига мақсад қилгани боис ёшлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

З.ШАРИФЖОНОВ

Мамлакатимизда тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликлар истеъмолини чеклаш, фуқаролар, айниқса, ёш авлодни бундай зарарли иллатлар таъсиридан асраш мақсадида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятини ошириш, спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишини таъминлашга доир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу йўналишда изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Мулоҳаза

САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРДАН ХАЛОС БЎЛАЙЛИК

Эндиликда республикамизда фуқаролар, шу жумладан ёшлар саломатлигига, уларнинг ақлан етук ва жисмонан бақувват шахс сифатида камол топишига, ёшларнинг маънавий ривожланишига жиддий хавф солаётган ичкилик, чекиш каби салбий иллатларни бартараф этиш, уларга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Халқаро миқёсда ўтказилаётган таҳлиллар ичкилик ва чекишнинг салбий таъсири инсоният келажагига таҳдид солаётганлиги, уларни истеъмол қилувчилар сонининг ўсиши эса ўлим ва ногиронликка олиб борувчи йигирма турдаги хатарли омиллар орасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли етакчи ўринни эгаллаётганлигидан далолат беради. Уларнинг салбий оқибатлари одамларда асаб, юрак-томир, ўпка, жигар циррози ва саратон каби қатор касалликлар сонининг ортиб боришига, спиртли ичимликлар истеъмолининг инсон ирсиятига зарарли таъсири жуда юқори эканлиги туфайли эса, хусусан, ҳомиланинг турли нуқсон билан шаклланиши ҳамда туғилишига олиб келади. Бу иллатларнинг зарари нафақат инсоннинг ўз саломатлигига етказаётган зиёни билан ўлчанади, балки уларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, аҳлоқий жиҳатларида ҳам намоён бўлади.

Маълумки, дунёнинг 140 дан зиёд мамлакатида чекишни чекловчи қонунлар қабул қилинган. Сингапурда, ҳатто умуман чекмайдиган даҳалар бор. АҚШда айрим фирмалар чекувчини ишга умуман қабул қилмайди. Ҳозирда кашандалик ва ичкилик тарқалишига ижтимоий муҳит, реклама, бадиий фильмлар, маданий атрибутлар, шунингдек оила аъзолари ёки атрофидагилар ўртасида уларни истеъмол қилувчиларнинг мавжудлиги, ўзгаларга тақлид каби асосий сабаблар қаторида кўрсатилади.

Давлатимизнинг бу борада мустақиллик йилларида жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан олиб борилаётган қатор ташкилий-ҳуқуқий ишлар алоҳида аҳамият касб этади. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг чекланишига қаратилган чора-тадбирлар хусусида гапирилар экан, 1994 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳоли гавжум бўлган жойларда, тиббиёт масканларида, жамоат транспортида ва таълим даргоҳларида чекиш расман тақиқланганлигини айтиш ўринли. Пойтахтимиз Тошкентнинг барча етакчи меҳмонхоналарида чекувчилар учун алоҳида жойлар ажратилган. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг эса "Барча ҳаво лайнерларида чекиш расман тақиқланган" деган ташаббуси жаҳон авиакомпаниялари орасида биринчилардан деб эътироф этилган.

Эндиликда Ўзбекистонда тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликлар истеъмолини, ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишини чеклаш, уларнинг рекламасини тақиқлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи шакллантирилди. Улар қаторига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан биргаликда миллий қонунчилигимиз тизимидан ўрин олган қонунлар, қатор меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорларини қайд этишимиз мумкин. Жумладан, 2012 йилнинг 24 апрелида "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига фаол ва қатъий ёндашувини яна бир карра кўрсатади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2015 йилнинг 29 декабрь куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун имзоланди ва 30 декабрь кундан бошлаб кучга кирди.

Мазкур қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига бир қатор янгиликлар киритилди. Яъни тақиқланган жойларда тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилган шахслар жаримага тортилиши белгилаб қўйилди.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, аксарият кашандалар чекишни 18 ёшга тўлмай туриб бошлашаркан. Натижада чекувчилар сафига янги кириб келаётганларнинг чорак қисмини вояга етмаганлар ташкил этмоқда. Бу эса ичкилик ва чекишга қарши курашни жуда эрта, яъни ёшликдан бошлаш даркорлигини кўрсатади.

Албатта, ҳар қандай Қонуннинг жорий этилишида аввало фуқаролар манфаати кўзда тутилади. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти институтлари ва давлат идоралари вакилларининг ижтимоий шериклиги ва ҳамжиҳатлигига асосланган тарбиявий, маънавий, маърифий, профилактик тадбирларнинг самарали, таъсирчан фаолиятини ҳам тақозо этади. Зеро, демократик тамойилларга асосланган давлатда қонун устуворлиги, унинг ижро масъулиятига жиддий ёндашилиши ҳам халқимизни, миллатимиз келажаги саналмиш ёшларимизни ичкиликбозлик, кашандалик каби салбий иллатлардан асрашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

Сўранг, жавоб берамиз

Гаровга қўйилган мол-мулкдан ундирувни амалга оширишнинг асослари нималардан иборат?

Э.Ҳусанов,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 279-моддаларига асосан:

Гаровга олувчининг талабларини бажариш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Агар мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли гаровга олувчининг талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мутлақо мос келмаса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкни олишни рад этиши мумкин, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 276-моддаларига асосан:

Гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса — суд белгилаган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.

Дилшод МАКСУМОВ,
Сумбула УМАРОВА,
Яккасарой туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

Қандай тартибда фарзандликка олиш ҳаракати амалга оширилади?

Л.Зокиров,
Яшнобод тумани

Фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Оила кодексининг 152-моддасига мувофиқ фарзандликка олувчи ва фарзандликка олувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт ўгай ота ва ўгай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Оила кодексининг 154-моддасига асосан қуйидаги шахслар устунлик ҳуқуқига эга бўладилар. Турар жойидан қатъи назар фарзандликка олувчининг қариндошлари;

Фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингилларни, улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;

Ўгай ота ва ўгай она;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, фарзандликка олиш фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Камила ЗУФАРОВА,
Зарина СОБИРОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

Қонуний никоҳдан ўтиш тартиби қандай?

М.Жўраев,
М.Улуғбек тумани

Оила кодексининг 13-моддасида ФҲДЁ органларида қонуний никоҳдан ўтиш тартиби ёритилган бўлиб, Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.

Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Лада ЯНКО,
Яшнобод туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Олти ёшли неварам отасидан қолган меросга меросхўр ҳисобланади. У ҳозир меросни қабул қилиб олиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу ишни қандай тартибда амалга оширса бўлади?

Э.Азимова,
Шайхонтоҳур тумани

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 29-моддасига мувофиқ, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар болалар учун битимларни уларнинг номидан фақат ота-онаси ёки фарзандликка олувчилари ҳамда васийлари тузиши мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, олти ёшли неварангиз ёшидан келиб чиққан ҳолда мустақил ҳаракат қила олмайди.

Фуқаролик кодексининг 29-моддасига кўра, олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар фақат:

— Майда маиший битимларни;

— Нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимларни;

— Қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни, тасарруф этиш борасидаги битимларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидир.

Демак, олти ёшли неварангиз номидан меросни қабул қилиш учун унинг қонуний вакили бўлган онаси ҳаракат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Муқаддас АБДУҚОДИРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси

Спорт янгиликлари

БАРДАВОМ ДАВРАЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасидаги "Сиз полвонларингизни биласизми?" республика танлови ташкилий қўмитаси йиғилиши ва матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ташкилий қўмита аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Полвонлар миллий маркази раиси Н.Юсупов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий спорт турларини ривожлантириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари оммавийлигини янада оширишда фахрий полвонлар тажрибасидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. 2009 йилда миллий қадриятларни, яккакурашнинг машҳур полвонлари номини тиклаш, аждодлардан қолган бой тарихий меросни ёшларимиз онгига сингдириш каби эзгу мақсадлар йўлида Полвонлар миллий энциклопедияси жамияти таъсис этилган эди.

Жамият ўз фаолият доирасини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида Полвонлар миллий маркази номи билан қайта рўйхатдан ўтказилди.

Бугунги кунда марказ томонидан миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, уни халқаро майдонда оммалаштириш, халқаро алоқаларни янада ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

"Сиз полвонларингизни биласизми?" анъанавий танловининг республика босқичи шу йилнинг 26-28 май кунлари Хоразм вилоятида ўтказилиши белгиланган. Танловни юқори савияда ўтказиш, ёшларни ушбу тадбирга кенгроқ жалб қилиш борасида фикр алмашилди. Журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири



Муҳаммад Амин олган сурат

Пойтахтимиздаги "Динамо" спорт мажмуасида бўлиб ўтган спорт курашлари бўйича ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида иқтидорли қизларимиз чемпионлик учун баҳс олиб боришди.

КУРАШЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ БЕЛЛАШДИ

Бу йилги мусобақада Хоразм ва Жиззах вилоятидан келган қизларнинг бошқа иштирокчилардан кўра жисмонан яхшироқ тайёргарликка эга экани кўриниб қолди. Айниқса, 55 килограмм вазнда гиламга тушган хоразмлик Асалхон Собирова турнирдаги барча рақибларини осонлик билан енгиб, ёш бўлишига қарамай Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таркибига номзод спортчилардан ҳисобланишини кўрсата олди.

Шунингдек, ўз вазн тоифаси бўйича Сарвиноз Тўхтаева (Навоий), Шаҳзода Усмонова (Самарқанд), Севинч Исанова, Адиба Ўроздбоева (Жиззах), Гулойим Шразитдинова, Патима Турсунмуратовалар (Қорақалпоғистон) ҳам чемпионатнинг олтин медалларига сазовор бўлишди.

Кескин ва муросасиз ўтган беллашувларда зафар қучган спортчилар эндиликда ёшлар терма жамоасига жалб этилади.

Халқаро дзюдо федерацияси дунё полвонларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Бу галги рўйхатда сўнгги пайтларда барқарор натижалар кўрсатаётган ҳамюртимиз — Дилшод Чориев шахсий кўрсаткичларини янада яхшилашга эришди.

Мамлакатимиз дзюдочилари орасида ўз вазн тоифалари бўйича Шарофиддин Лутфуллаев саккизинчи, Ришод Собиров ўн биринчи, Диёрбек Ўрозбоев ўн иккинчи, Абдулла Тангриев йигирма иккинчи қатордан жой олди. Қизларимиздан Гулноза Матниёзова йигирма саккизинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Таъкидлаш жоизки, пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатидаги ғалабалардан сўнг бир нечта спортчимиз келгуси сафар жадвалда юқори поғоналардан жой олиши кутилмоқда.

Дунё рейтинги етакчилари орасида эса Жанубий Кореядан Ким Вон Жин, Ан Баул, Ан Чангрим, Дон Хан Гваклар, Грузия вакили Автандили Тчрикишвили, Озарбайжондан Элмар Гасимов ҳамда француз Тедди Ринерлар ҳамон ўз вазнларида пешқадам бўлиб туришибди.

Ботир ХЎЖАЕВ

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси билан ҳамкорликда "Аёллар ўртасида диний мутаассибликнинг олдини олиш" мавзуида тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси М.Нажмиддинова, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Т.Матибаевлар сўзга чиқиб, юртимизда аёлларга қаратилаётган эътибор, бу борадаги амалий ишлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари хусусида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир диний мутаассибликнинг жаҳон ҳамжамияти, жумладан мусулмон дунёсига таҳдидлари, шунингдек, минтақамизда диний экстремизм ва терроризмнинг намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш, уларнинг огоҳлик ва ҳушёрликларини кучайтириш мақсадида ташкил этилди.

— Бугун ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни барчамиз эшитиб, кўриб турибмиз, — дейди маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректор Дилшод Баратов. — Кимдир унга ўз фуқаролик позициясидан келиб чиқиб фикр билдиради, мафкуравий иммунитети паст, дунёқараши тор инсонлар эса уни таҳлил қилмасдан тўғридан-тўғри, мустақил фикрсиз қабул қилади ва бу охир-оқибат жаҳолат қурбонига айланиб қолишга сабаб бўлмоқда. Мақсадимиз талаба-ёшларни ана шундай аянчли оқибатлардан асраш, ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундашдир.

Хуршида ЮСУПОВА,
ЎзМУ магистранти

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИДА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЎРНИ

Тараққий этиб бораётган глобаллашув асрида ёшларимизни ҳар томонлама етук, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида камолга етказиш, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли, юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялаш, маънан ҳамда жисмонан соғлом фикрлайдиган инсонлар қилиб вояга етказиш шу куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон ёшлар мамлакати, миллий анъана ва қадриятлар эса ёшлар тарбиясида, уларнинг униб-ўсиб, комил инсон бўлишида алоҳида ўрин тутиши ҳаммамизга маълум.

Шунинг учун ҳам ўтган йиллар мобайнида миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, уларнинг жамият аъзолари ҳаётидаги ўрни, тарғибот усуллари борасида кўпгина илмий-назарий ва амалий ишлар олиб борилди, уларнинг методологик асослари яратилди.

Бироқ, жамият ҳаётида юз бераётган айрим муаммолар бугунги кунда дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларини уйғунлаштириш асосида тарбиялаш борасидаги тадқиқотларни янада мукаммал даражага олиб чиқишни тақозо қилмоқда.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан "Ёшлар тарбиясида анъана ва қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамияти" мавзуидаги тадбирда олимлар, иқтидорли талабалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад миллий қадрият ва урф-одатларимизнинг бугунги кунда ёшлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини кенгроқ тушунтириш ва уларга ҳурмат билан қараш, шу орқали ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришдан иборатдир.

Тадбирда сўзга чиққан талабалар Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилаётган ана шундай тадбирлар уларни ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тарғиботчи сифатида турли қатлам вакилларига етказишларида ижобий туртки бўлишини таъкидладилар.

Қ.ЗОКИРОВ

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари божхона чегаралари орқали нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирларни давом эттиришмоқда.

ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Натижада, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент халқаро аэропорти орқали божхоначилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 58 та божхона қоидабузарлик ҳолатларида 212 млн. сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний равишда олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, Алмати шаҳрига парвози олдидан қўшни давлат фуқароси А.Сергеева (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) божхона назорати вақтида шахсий кўрикдан ўтказилганда, чўнтагида йўловчи божхона декларациясида ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилинмаган 2100 АҚШ долларини яширганча олиб чиқишга уринган фош бўлди.

"Тошкент–Минск" рейси бўйича сафарга отланган пойтахтлик О.Назарова эса божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уриниб, ички кийимлари орасига яширилган 2200 АҚШ долларини олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

"Омади" чопмаганлар қаторида навоийлик Т.Зафарова ҳам бор. Пойтахтдан Екатеринбургга учиш олдидан божхона кўриги давомида ушбу аёл сумкасидаги 2400 АҚШ долларини йўловчи божхона баённомасидан атайлаб "тушириб" қолдиргани аниқланди.

"Тошкент–Франкфурт" йўналиши бўйича учиб кетишга шайланар экан наманганлик К.Қодиров белгиланган меъёрдан ортиқча валютани чўнтагига солиб, бамайлихотир ўтиб кета оламан деб ўйлаган эди. Аммо, унинг безовталаниши божхоначиларда шубҳа уйғотди. Натижада, у 2900 АҚШ доллари билан "хайрлашиши"га тўғри келди.

Россиялик Н.Иванова ҳам таваккалнинг "каттаси"га қўл урди. Новосибирскка парвози аввалида ушбу аёлга тегишли сумка божхона кўригидан ўтказилганда, унга ноқонуний тарзда олиб чиқиш мақсадида йўловчи божхона декларациясида ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилинмаган 4200 АҚШ доллари яширилганлиги маълум бўлди.

Бангкокка отланган бухоролик Ж.Олимова эса божхоначилар қаршисида ер чизиб қолди. Қаранг-ки, бу аёл 4910 АҚШ долларини йўловчи божхона декларациясида қайд қилишни "унутиб" қўйибди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, амалдаги тартибларга мувофиқ, божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахслар томонидан тўлдириладиган йўловчи божхона декларациясида нақд чет эл валюталари мавжудлиги ва миқдори кўрсатилиши шарт.

Республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валюталарни йўловчи божхона декларациясида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади.

Норезидентларга эса Ўзбекистонга кириб келаётганда ўзи билан олиб келган ҳамда божхонага тақдим этилган йўловчи божхона декларациясида қайд этилган миқдордаги хорижий валютани олиб чиқишларига рухсат берилган.

Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилади.

"Тошкент-Аэро" ИБК
Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Баҳоловчи ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5.04.2016 йилдаги 102-сонли қарорига мувофиқ, "Тошкент трамвайи" УКга тегишли бўлган қуйидаги объектларнинг бино ва иншоотларини аукцион савдолари орқали сотиш мақсадида, ушбу мулкларнинг бозор қийматини аниқлаш учун баҳоловчи ташкилотлардан тижорат таклифларини беришлари сўралади.

№	Объектнинг номи	Умумий майдони (га)	Бино ва иншоотнинг майдони (минг кв.м.)	Жойлашган манзили
1	2-депонинг бино ва иншоотлари	9,4	19,0	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 57-уй
2	Шаҳар электр транспортларига хизмат кўрсатиш хизматининг бино ва иншоотлари	1,6	6,1	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 55-уй
3	1-сонли трамвай йўлларини созлаш хизматининг бино ва иншоотлари	2,1	7,2	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ кўчаси, 40-уй
4	2-сонли трамвай йўлларини созлаш хизматининг бино ва иншоотлари	1,0	1,1	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Замон кўчаси, 86-уй
5	2-депонинг бино ва иншоотлари	10,2	25,0	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3 "А"-уй

Эслатма:

— Баҳоловчи ташкилотлар давлат мулкларини баҳолаш бўйича 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлишлари лозим;

— Тижорат таклифлари ҳар бир объектлар бўйича алоҳида берилиши лозим.

Таклифлар 2016 йилнинг 5 май кунигача қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 272-80-92, 272-80-94, 233-53-21, (90) 316-04-59, (94) 689-69-36.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***28 апрель*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 27-29 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***28 апрелда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ